



No'kis q. A.Dosnazarov k. 62 u'y, tel: 8 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-98-30,
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz

20 - Апрель 2021 j.

01-04/03-2007 - sanli

**Бўш турган объектлардан
самарали фойдаланишни
ташкил этиш марказининг
Қорақалпоғистон Республикаси
худудий бошқармасига**

Сизнинг 2021 йил 24 мартдаги 354/01-04-сонли хатингизга:

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Сизга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 11 март кунги 01-08/16-03/103-сон баёнидаги берилган топшириқларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни маълум қиламиз.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши баёнининг 6-илоvasида Муйноқ туманида жойлашган 11-сонли ўрта мактабнинг фойдаланилмасдан турган 0,061 га, 18-сонли ўрта таълим мактабининг 0,045 га, Тахиатош туманида 26-сонли ўрта мактабининг 0,39 га, 28-сонли ўрта мактабининг 0,95 га, 18-сонли ўрта мактабининг 0,04 га, 42-сонли ўрта мактабининг 0,5 га, 35-сонли ўрта мактабининг 0,5 га фойдаланилмасдан турган ер майдонлари вақтинча шартнома асосида тадбиркорларга ижарага берилиши таклиф этилади.

Мазкур баённинг 8-илоvasида бўш турган ер майдонлари маҳаллий ҳокимликлари захирасига ўтказилиши белгиланган ижтимоий соҳа объектларининг фойдаланилмасдан бўш турган ер майдонлари руйхатига Эллиққалъа туманидаги 60-сонли ўрта мактаб эски биноси киритилган бўлиб, бугунги кунда Эллиққалъа тумани халқ таълими бўлимига қарашли 60-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 0.06 га ер майдони Эллиққалъа тумани ҳокимининг 2019 йил 15-февральдаги №824/2-сон қарорига мувофиқ ҳокимлик балансига ўтказилганлигини маълум қиламиз.

Вазир

Р.Реимов